




5–6-MAY  
2023

TOSHKENT,  
O'ZBEKISTON



**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G'OYALAR  
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

**III XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA**



**IMV**  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZINLIGI



**IMRS**  
Institute for Macroeconomic  
and Regional Studies



**CHDPU**  
CHIRCHIQ DAVLAT  
PEDAGOGIKA UNIVERSITETI

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM,  
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI  
MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY  
UNIVERSITETI**

**O'ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:  
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH  
ISTIQBOLLARI”**

**III  
XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA  
MATERIALLARI**

**TO‘PLAMI**

**I QISM**

- 1. BOBURSHUNOSLIK VA GEOGRAFIYA**
- 2. TABIIY GEOGRAFIYA, ATROF-MUHITNI MUHOFAZA  
QILISH VA TABIIY RESURSLARDAN OQILONA  
FOYDALANISH**
- 3. IQTISODIY VA IJTIMOIY GEOGRAFIYA**

**Toshkent – 2023**

## **ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯ ТАРИХИГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР (XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ МИСОЛИДА)**

**Тошов Худойназар Рамазонович**

г.ф.н., доцент

Бухоро давлат университети

**Эргашева Мавжуда Комилжоновна**

г.ф.ф.д. (PhD)

Бухоро давлат университети

**Аннотация:** мақола XX асрнинг биринчи ярмида табиий географиянинг обьекти, предмети, вазифалари аниқлик киритилиши масалаларига бағишиланган.

**Калим сўзлар:** табиий география, илмий табиий география, обьект, предмет, Ернинг ташки қобиги, табиий комплекси, ландшафт, эпигенема, эпиморфа.

### **REFLECTIONS ON THE HISTORY OF PHYSICAL GEOGRAPHY (ON THE EXAMPLE OF THE FIRST HALF OF THE 20TH CENTURY)**

**Toshov Khudoynazar**

**Ergasheva Mavjud**

**Annotation:** following article deals with the clarification of the object, subject, and tasks of natural geography in the first half of the 20 th century.

**Key words:** natural geography, scientific natural geography, object, subject, Earth's outer shell, natural complex, landscape, epigenetica, epimorpha.

Маълумки, кўпгина адабиётларда табиий география тарихида XX аср айниқса, унинг биринчи ярми сезиларли из қолдиранлиги таъкидланган. Бу асрда табиий географиянинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган асарлар яратилган ва илмий ғоялар ишлаб чиқилган. Бугун “Янги илмий табиий география”нинг шаклланишига пойдевор бўлган дейиш мумкин [3]. Уларда биринчидан, Россияда табиий географияга оид нашр қилинган иккита ўкув қўлланма эътиборли бўлганлиги кўрсатиб ўтилган эди. Бунга биринчи А.Н.Красновнинг “Лекции по физической географии” номли ўкув қўлланмасининг учинчи нашри бўлса, иккинчиси, П.И.Броуновнинг “Курс физической географии” номли асаридир. Мазкур асарлар табиий география фанининг тарихида янги бир даврни бошлаб берганлиги эътироф этилмоқда. Чунончи, шу пайтдан бошлаб табиий географиянинг обьекти тўғрисида иккита оқим шакллана бошлади.

Биринчи оқим бўйича табиий география табиий комплексларни ёки ландшафтларни ўрганиши керак эди. Бу оқимнинг бошланишида А.Н.Краснов, Г.Н.Высоцкий, Г.Ф.Морозов каби Докучаев илмий мактаби намоёндалари, немис географлари З.Пассарге, Ф.Рихтгофен ва атоқли рус географи Л.С.Бергнинг асарлари ҳал қилувчи роль ўйнади. Натижада ландшафт ҳақида таълимот юзага келди ва аста-секин ландшафтшуносликка оид асосий тушунчаларни шаклланиши жадаллашди.

Табиий географиянинг фан сифатида шаклланиши ва бу фаннинг ўзига хос ўрганиш обьекти ҳақидаги тушунчани аниқлаштирилиб боришида, яъни иккинчи оқимнинг юзага келишида ҳам Гумбольдт ва Докучаев асаларида илгари сурилган ғоялар илмий асос бўлди.

Чунончи, борлиқнинг бир бутунлиги, Ер қобиқларини ҳосил қилувчи атмосфера, гидросфера, литосфера ва биосфера каби табиий жисмларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро таъсирлари мавжудлиги ғоялари, пировардида П.И.Броунов томонидан “Ернинг ташқи қобиғи”ни табиий географиянинг обьекти сифатида эълон қилинишига олиб келди. Олимнинг табиий географияни обьекти ва вазифалари ҳақида айтганлари қуидагилардан иборат эди.

“Табиий география Ернинг ҳозирги қиёфасини, бошқачароқ қилиб айтганда, Ернинг органик ҳаёт майдони бўлган ташқи қобиғини ва унда рўй берадиган ҳодисаларни ўрганади ... Ернинг ташқи қобиғи бир нечта концентрик сфера – қобиқлардан, яъни қаттиқ ёки литосферадан, суюқ ёки гидросферадан ва газсимон ёки атмосферадан ва яна қўшимча биосферадан ташкил топган. Бу барча қобиқларнинг ҳар бири бошқасига сезиларли даражада кириб боради ва ўзининг ўзаро таъсирлари билан Ернинг ташқи қобиғини ҳосил қилгани каби, Ердаги ҳодисаларнинг барчасини ҳам келтириб чиқаради. Бу ўзаро таъсирларни ўрганиш ... табиий географиянинг энг муҳим вазифаларидан бирини ташкил қиласди. Бу мазкур фанни мустақил қиласди ва геология, гидрология, метеорология каби турдош фанлардан фарқлантиради”. Бундан ташқари, П.И.Броунов табиий география – табиатшуносликнинг асосий предметларидан бири эканлигини ҳам айтиб ўтганди [2; 1-2 б.]. Броунов ўзининг ушбу жумлалари билан Докучаев айтган, аммо номи номаълум бўлган янги фан айнан табиий география эканлигини биринчи бўлиб англашлаганини кўрсата билди.

Иккинчи оқим геоботаник олим Роберт Иванович Аболиннинг (1914) ботқоқликларни генетик таснифлашга оид асарида ўз аксини топган кўринади [1]. Ушбу асарда қуруқлик юзаси қалин ер пўстидан иборат бўлиб, бир қатор ўзига хос (рельеф, грунтлар, тупроқлар, ўсимликлар каби) компонентлардан, яъни муаллиф терминологиясида “эпигенлар”дан ташкил топган. Улар шунчалик ўзаро бирикишиб ва шунчалик бир – бирига таъсир этадики, бунда барча эпигенлар биргаликда бир бутун ва мураккаб комплекс ҳосилани ташкил қиласди.

Аболиннинг мазкур асарида айтилган эпигенема, эпиморфа каби ўзига хос терминларни ҳисобга олмагандан, унда билдирилган асосий ғоя А.Н.Красновнинг географик комплекслар ғоясига ёки Л.С.Бергнинг ландшафт ғоясига жуда яқин эканлигини пайқаб олиш қийин эмас. Ушбу олимларнинг ҳар бири ўз ҳолича бундай бир-бирига яқин, бирини иккинчиси тўлдириши мумкин бўлган тасаввурларга келишларининг асосий сабабларидан бири, фикримизча уларнинг Докучаев ғояларини ривожлантириб, унинг табиий-тарихий методига асосланган йўналишда тадқиқот олиб борганларидан эди.

Хулоса қилиб қуидагиларни кўрсатиш ўринлидир.

XX асрнинг биринчи ярми Ер юзидағи жисмлар ва ҳодисалар ўртасидаги ҳар томонлама ва чуқур алоқадорликлар ҳамда бу Ер юзасининг ниҳоятда ўзига хослиги ҳақида умумий тасаввурлар пайдо бўлган бўлсада (масалан, В.В.Докучаев ва сафдошлари асарларида) табиий географиянинг обьекти ва предмети тўғрисида аниқ бир тўхтамга келинмаган. Жумладан, бу Ер юзасига гидросферадан ташқари литосфера ва атмосферанинг қайси қисмлари кириши ҳам тугал аниқланмаган эди. Маълумки, Табиий географияда эса бу нарсалар, айниқса обьект ва предмет масаласи анча кеч, XX асрнинг ўрталарига яқинлашиб қолганда ойдинлашди.

Илмий табиий географиянинг шаклланишида бу давр замин яратди, дейиш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

- 1.Аболин Р.И. Опыт генеологической классификации болот. Болотоведение, № 3, 1914.
2. Броунов П.И. Курс физической географии. СПб., 1910.
3. Тошов Х.Р. Табиий география: тарихи ва баъзи назарий масалалари. Бухоро. 2021.

22.	<b>Аббосов Субхон Бурхонович Жанизакова Гулшода Муродовна</b> О ПРИРОДНЫХ РЕСУРСАХ ГОРНЫХ И ПРЕДГОРНЫХ РАВНИННЫХ ЛАНДШАФТОВ МАЛЬГУЗАРСКОГО ХРЕБТА	110
23.	<b>Батиров Хидир Файзиевич, Пардаев Бурхон Ахмадович, Ашурмахматов Сарвар Исройлович</b> ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФЕРМЕРСКОГО ПОЛЯ В УСЛОВИЯХ ОРОШЕНИЯ	115
24.	<b>Avezova Aziza Maqsud qizi</b> QORAKO'L TUMANIDAGI TABIIY GEOGRAFIK TERMINLAR ASOSIDA SHAKLLANGAN GIDRONIMLAR	118
25.	<b>Zayniddinova Malika Shuxrat qizi</b> KARMANA TUMANIGA UMUMIY GEOGRAFIK TAVSIF	121
26.	<b>Тошов Худойназар Рамазонович Эргашева Мавжуда Комилжоновна</b> ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯ ТАРИХИГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР (XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ МИСОЛИДА)	123
27.	<b>Эгамбердиева Юлдуз Хамроқул қизи</b> АТМОСФЕРА СУВ БУГИДАН ЧУЧУК СУВНИНГ МУҚОБИЛ МАНБАИ СИФАТИДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ САБАБЛАРИ	125
28.	<b>Xayitmurodov Alijon Olimjon o‘g‘li</b> TOSHKENT SHAHRIDA YO‘G‘INGARCHILIK VAQTLARIDA TOSHQIN VUJUDGA KELISHI MUMKIN BO‘LGAN HUDUDLARNI ANIQLASH	128
29.	<b>Mingaliyev Ravshan Olim o‘g‘li</b> UZUN TUMANI YER FONDINING TARKIBI VA YER RESURSLARIDAN FOYDALANISH	132
30.	<b>Ismatova Nilufar Ravshan qizi Turobov Doniyor Shovqi o‘g‘li</b> URBANIZATSİYALASHGAN HUDUDLARDAGI GEOEKOLOGIK MUAMMOLAR VA ULARNING OLDINI OLISH MASALALARI (JOMBOY SHAHRI MISOLIDA)	136
31.	<b>Авезов Мухридин Мақсуд ўғли Мухаммадова Азиза Искандар қизи</b> ФИЖДУВОН ТУМАНИДАГИ «РАБОТ» КОМПОНЕНТЛИ ОЙКОНИМЛАРНИНГ ЭТИМОЛОГИЯСИ	139
32.	<b>Азимова Д.А.</b> ГИДРОЛОГИК ТАБИАТ ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	143
33.	<b>Mustofoyev Tohir Erkinovich Mavlonov Hayotjon Tohirovich</b> MAHALLIY SHAMOLLAR VA ULARNING ATROF MUHITGA TA’SIRI (“AFG‘ON” SHAMOLI MISOLIDA)	146
34.	<b>Oxunjonova Dildora Komiljon qizi</b> TABIAT KOMPONENTLARIGA KON ISHINING TA’SIRI	150

### III BO‘LIM

#### IQTISODIY VA IJTIMOIY GEOGRAFIYA

1.	<b>O‘lmasova Muxlisa Dilshodbek qizi</b> TURIZMNING MAMLAKAT IJTIMOIY-IQTISODIY HAYOTIDA TUTGAN O‘RNI	153
2.	<b>Салоҳитдикова Севар Сайдаминовна, Уврайимов Суннатилла Тилабой ўғли</b>	